

# Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон Қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 24 апрелдаги 348-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ривожлантириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг (бундан буён матнда **Агентлик** деб юритилади) таркибий бўлинмаси бўлган ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бошқармасининг (бундан буён матнда –**Бошқарма** деб юритилади) ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолиятни амалга ошириш бўйича бошқарма функциялари ва вазифаларини белгилайди.

3. Бошқарма ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом, Агентлик Хайъатининг қарорлари, Агентлик бош директорининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

4. Бошқарма ўз фаолиятини Агентлик марказий аппарати ва унга бўйсунувчи ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирлик ва идораларининг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма Агентликда ахборот-коммуникация технологияларини (бундан буён матнда АКТ) жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи Агентлик Бош директор ўринбосарига бевосита бўйсунди.

## II. БОШҚАРМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

6. Агентликда ахборотлаштириш, АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш.

7. Агентликнинг АКТ инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, Миллий ахборот тизими доирасида ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот-технологик ҳамкорлигини таъминлаш, “Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш” майдончасида ахборот мухити, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали фаолияти, тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари ва бошқалар билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш.

8. Агентлик фаолиятида инновацион ахборот-коммуникация технологияларини, дастурий-аппарат воситалари жорий қилиш, ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишни норматив-ҳуқуқий, технологик ва методик жиҳатдан таъминлаш.

9. Агентлик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича комплекс тизимли таҳлилни ўтказиш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

10. Агентлик тизимида ахборот хавфсизлиги соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш, шунингдек, ваколат доирасида давлат сирларини ҳимоя қилишни таъминлаш.

11. Агентликнинг марказий аппаратида дастурий-аппарат комплекси ва ягона телекоммуникацион инфратузилмасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

12. Агентликнинг веб-ресурсларини Интернет тармоғида шакллантириш ва ривожлантириш.

13. Агентлик тизими ташкилотларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш.

14. Бошқарма Агентлик фаолиятини сифатли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли идоралари билан яқин ҳамкорликни амалга ошириш.

### **III. БОШҚАРМАНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ**

15. Агентликда замонавий ахборот технологиялари, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлашда аппарат ва дастурий воситаларни жорий қилиш, фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этиш.

16. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича Агентликнинг харажатлар сметалари ва бизнес-режалари, ишлаб чиқариш жараёнлари учун автоматлаштириш тизимлари, шу жумладан ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, дастурий маҳсулотларни жорий қилиш ва интерактив давлат хизматларини жорий қилиш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этиш, ходимларни АКТ соҳасида ўқитиш ва малакасини ошириш.

17. Агентлик тизимининг бўлинмалари билан ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни, техник-иқтисодий жиҳатдан асосларни ва бошқа

ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун раҳбариятга тақдим этиш.

18. Агентлик томонидан фойдаланиладиган ахборот технологиялари, ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича дастурий ва аппарат воситалари, шунингдек ахборотни ҳимоя қилиш воситалари учун ягона талабларни белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун раҳбариятга тақдим этиш.

19. Агентликда корпоратив тармоқларни яратиш, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва алмашиш учун дастурий таъминот ва аппарат воситалари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш.

20. Ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари, ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, ахборот тизимлари ва интерактив давлат хизматларини жорий қилиш соҳасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш.

21. Агентлик тизимида АКТни ривожлантиришнинг давлат ва идоравий дастурларини амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, шу жумладан жойларда ўрганиш ўтказиш.

22. Агентликнинг тизим ташкилотлари билан ҳамкорликда юқори турувчи ташкилотларга, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, шу жумладан самарадорликни рейтингли баҳолаш тизимида белгиланган тартибда маълумотларни тақдим этиш мақсадида АКТни жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни тўплаш ва қайта ишлаш. Ушбу маълумотлар Агентлик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, самарадорликни ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, рейтингли баҳолаш натижаларини такомиллаштириш мақсадида ҳам қўлланилади.

23. Агентликда ахборот хавфсизлиги тизими инфратузилмасини жорий қилиш ва ривожлантиришни ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

24. Агентлик тизимининг фойдаланувчиларини глобал Интернет тармоғига киришни ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш.

25. Агентлик веб-ресурсларининг ахборот таркибини шакллантириш, уларнинг таркиби ва тузилмасини такомиллаштириш.

26. Агентликнинг сервер дастурий-техник комплексини техник қўллаб-қувватлашни ташкиллаштириш ва мониторингини олиб бориш.

27. Агентликнинг ягона телекоммуникация тизимини қўллаб-қувватлашни ташкил этиш (локал тармоқ, IP – телефония, видеоконференцалоқа, видеокузатув).

28. Агентлик ходимларини АКТ соҳасида ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш, компьютер саводхонлигини баҳолаш тизимида (КСБТ) белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ташкиллаштириш.

29. Агентлик тизим ташкилотларига АКТ соҳасида юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, ҳудудий бўлинмалар фаолиятига ваколат доирасида амалий ва методик ёрдам кўрсатиш.

30. Бошқарма фаолиятигадоир масалалар юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун раҳбариятга киритиш.

31. Давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

#### **IV. БОШҚАРМА ТУЗИЛМАСИ**

32. Бошқармани Агентлик Бош директоритомонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Бошқарма бошлиғи бошқаради.

33. Бошқарма бошлиғи бўлмаган ҳолларда, унинг вазифалари бошқарма бошлиғининг ўринбосарига юкланади.

34. Бошқарма тузилмасига Агентлик Бош директори томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

35. Бошқарма ходимлари Бошқарма бошлиғи таклифига биноан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

#### **V. БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

36. Бошқарма ўзининг вазифалари ва функцияларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Агентлик тизими таркибий бўлинмаларидан, шунингдек, бошқа вазирлик ва идоралардан ўз ваколатлари доирасида ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни, шу жумладан жойларда ўрганишларни ўтказиш йўли билан зарурий маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- раҳбарият топшириғига биноан бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида, бошқарма ваколатига тааллуқли масалалар бўйича республика ва халқаро аҳамиятга эга тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш ва иш кўриш;

- Агентлик раҳбарияти билан келишилган ҳолда Агентлик тизими таркибий бўлинмалари ходимлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг малакали мутахассислари ва экспертларини, шу жумладан шартнома асосида, белгиланган вазифаларни бажариш учун жалб этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ахбороттехнологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли бўлинмалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўрнатилган тартибда ҳамкорликда иш олиб бориш;

- раҳбариятга АКТни ривожлантириш соҳасидаги Агентликнинг ички сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар, бошқарув фаолияти масалалари бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритиш;

- Агентликнинг ташкил этилаётган комиссиялари ва ишчи гуруҳлари ишида иштирок этиш.

37. Бошқарма қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Бошқармага юкланган вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, шунингдек Агентликнинг норматив ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
  - Агентлик ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ижро интизомини таъминлаш;
  - Бошқарма ходимларининг жавобгарлик даражаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, лавозим йўриқномаси, меҳнат шартномалари ва амалдаги ички норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

38. Ушбу Низомни тасдиқлаш билан 2017 йил 30-майда қабул қилинган “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг АКТ жорий қилиш ва ривожлантириш гуруҳи тўғрисидаги Низом” ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

39. Бошқарма амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.